



УЧТУТ ҚИШЛОҒИ

Бобоназаров Елёр Сирожиiddинович

Навбахор тумани хокимлиги ахборот хизмати рахбари

Кодирова Феруза Холмунинова

Навбахор тонгги газетаси бош мухаррири

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7947544>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 10-May 2023 yil

Ma'qullandi: 15-May 2023 yil

Nashr qilindi: 18-May 2023 yil

KEY WORDS

*Уч аср тутти, маданий мерос
объектлари, Учтут тарихи*

ABSTRACT

*Ушбу мақолада Учтут қишлоғининг минг йилларга
бориб тақаладиган ўтмиши, бу ҳудуддаги маданий
мерос объектлари, бу ҳудудда яшаб ўтган
одамларнинг турмуш тарзи кенг ёритилган..*



Учтут қишлоғи Инсоният тарихидаги илк маконларни тадқиқ этиш жараёнида кўҳна цивилизациялар ўчоқла ридан бири Қадимги Мисрдаги сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт мезонларини белгилашда Нил дарёсининг аҳамияти ҳисобга олиниб “Миср – Нил туҳфаси” ибораси қўлланилади. Ер юзидаги барча цивилизация марказларининг манбаси сифатида йирик сув ҳавзаларининг аҳамиятини юқори баҳолаган ҳолда, Бухоро воҳаси маданий тараққиёти омили сифатида Зарафшон дарёсининг стратегик аҳамияти ҳал қилувчи рол ўйнаган. Бинобарин, Зарафшон дарёси минтақасида жойлашган Бухоро воҳасини бир неча минг йиллар давомида оқизиб келган лойқа ётқизиқлари туфайли вужудга келтирган. Зарафшон дарёсининг тошқинларидан ҳосил бўлган кўп миқдордаги сув манбалари асосида воҳанинг континентал иқлимининг юзага келиши, шу билан биргаликда аجدодларимиз томонидан воҳани ўзлаштириш ва обод этишда асрий тажрибалар юзага келди. Ўша замонларда Зарафшон ўз водийсида ниҳоят кенг майдон бўйлаб ёйилиб оққан. Унинг

ўнг қирғоғи ҳозирги Самарқанд вилоятида Пойариқ ва Хатирчи адирларини, сўл қирғоғи эса Пастдарғом ва Каттакўрғон қирларини ювиб ўтган¹⁵⁴. XX асрнинг иккинчи ярмида Бухоро воҳасида Бухоро шахрининг ёшини аниқлаш, Бухоро ва унга ёндаш бўлган ҳудудлар тарихини ўрганиш мақсадида кенг кўламда археологик тадқиқот ишлари олиб борилди. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, Бухоро воҳасининг табиий-географик шароити қадимдан ибтидоий одамлар яшаши учун жуда қулай бўлган. Археологик тадқиқотлар шуни тасдиқладики, узоқ ўтмишда одамлар асосан тоғ ёнбағирлари, сой, жарликлар ёқалари ҳамда тоғ этакларида, булоқлар атрофида яшашган. Бундай жойларнинг табиати, ҳайвонот дунёси ниҳоятда бой бўлиб, ўзлаштирма хўжалик юритиш учун жуда қулай бўлган. Шу нуқтаи назардан тош даврининг ибтидоий маданият излари Бухоро воҳасининг шарқий томонида Қоратоғ ва Зарафшон тизмаларининг этакларида топилиб ўрганилган. Водий бўйлаб Омонқутон, Гўрдара, Учтут, Вовуш, Ижанд каби ўрта палеолит даври маконлари бунинг ёрқин далилидир¹⁵⁵. Юқоридаги илмий хулосалардан келиб чиққан ҳолда маълум бўлдики, энг қадимий қишлоқлардан бири сифатида Учтут қишлоғининг ҳозирги ўрнидан қадимги Зарафшон дарёси оқиб ўтган. Манзилгоҳнинг аҳолиси эса Қоратоғ ёнбағирларида яшаб, овчилик, термачилик, балиқчилик билан шуғулланишган. Аста-секин дарё соҳилининг тобора кескин пасайиши ва ибтидоий одамлар ҳаётида юз берган ижтимоий меҳнат тақсимоатлари натижасида илк касбий ихтисослашувга учтутликлар асос солиб, шахталарни очадилар. Қишлоқ аҳли дарё ўзанларида ҳосил бўлган чакалакзор, бутазорларни тозалаб, ерлар очишиб манзилгоҳларини тобора кенгайтириб боришган. Кейинчалик бу манзилгоҳлар мустақамланиб, кўрғон ва қалъаларга айланишган. Ҳозирги кунда харобага айланган, Учтуттепа, Жийдашоҳ, Мушкултепа, Чақмоқтепа ва яна бир қанча тепаликлар шулар жумласига кирган. Эрамизнинг бошларида ҳам бу қалъа ва кўрғонлар ўз аҳамиятини йўқотмасдан сақлаб қолишган. Бу вақтда (милодий V–VI асрларда) ҳар бир қалъа Қоратоғ ёнбағирлари орқали ўтган Канпирак деворига истехком сифатида бирлашган. Кўрғонларнинг аҳолиси Ҳарқонат ул-Улвиё ариғи сувидан фойдаланганлар. Аҳолининг жипс жойлашуви Учтуттепа ёдгорлиги атрофида бўлган. Тепа қадимги қабристон ўртасида жойлашган бўлиб, унинг пастидан Ҳарқонат ул-Улвиё ариғи оқиб ўтади. Қабристонга ибтидоий одамлар ҳам дафн этилганлиги ҳақиқатдан йироқ эмас. Шу ердан ўтган Буюк Ипак йўлининг кичик тармоғи туфайли кўрғонда бозор жадал ривожланган. Бозорни “Сар бозор”, деб аташган. Ҳатто пул муомаласи бўлган вақтда ҳам савдо кўпинча айирбошлаш йўли билан амалга оширилган. Кўпинча чорвадорлар чорвачилик маҳсулотларини деҳ қончилик маҳсулотларига айирбош қилганлар. Бу қишлоқнинг қадимийлигига бу ерда бир неча минг йиллардан буён ўсаётган тутлар ҳам гувоҳлик беради. Қабристон яқинида, ариқ пастида учта қадимий тут савлат тўкиб турибди. Уларга 4–5 одамнинг ҳам қулочи етмайди. Асрлар давомида ариқ қазилавериш, ундан чиққан тупроқлар эвазига тутларнинг таналари кўмилгандек кўрилади. Чунки тутларнинг бўйи пастлигидан новдалари ерга тегиб турибди. Улар “кончи”лардан қолган ягона “тирик” эсдалиқдир. Шунга асосан бу ҳудуд аҳолиси учтутликлар деб, номланди. Учтут тутларининг ёшини мутахассислар, табиатшунослар тахминан бир минг саккиз юз, бир ярим минг йил атрофида белгилашмоқда. Тутларга биологик томондан олиб қараганда, улар жуда секин ўсиши, фақат шўр сув билан озиқланиши

бугунгача яшовчанлигини таъминлаган бўлса ажаб эмас. Учта тутнинг бугунги ҳолатига назар ташлаймиз. Ғарб томондан биринчиси тутларнинг энг кичиги бўлиб, ердан бир метр баландликдаги айлана узунлиги 7–10 метрни, иккинчи ўртадаги тутнинг ердан бир метр юқоридаги диаметри 8 метрни, энг катта учинчи тутнинг ердан бир метр баландликдаги диаметри 8,8 метрни ташкил этади. Маълумки, тут энг биринчи ҳосили пишиб етилгувчи, серҳосил, шифобахш дарахт бўлиб, баҳордан ҳориб чиққан одамларга куч бағишлаган, очлик балосидан сақлаган. Халқ орасида учта тут билан боғлиқ афсоналар кўплаб яратилган. Эмишки, қишлоқни тоғдан келган ёғий босибди. Бир аёлнинг икки нафар гўдаги бор экан. Аёл болаларини душмандан ҳимоя қилиш учун ўзини қалқон қилибди. Она ярадор бўлса ҳам чирқираб болалари устига отилибди. Унинг оҳ-ноласи тоғларда садо берибди. Душман барибир болаларни ҳам ўлдирибди. Аллоҳ иродаси билан болалар қони тўкилган жойдан иккита тут унибди, учинчи катта тутни эса Тангри таоло она қонидан яратибди. Бу афсона замирида ҳақиқат бордек. Чунки қадимдан шимолда яшовчи тажовузкор кўчманчи чорвадор қабилалар қиш лоқларга бостириб кириб, аҳолига чексиз азоб-уқубатлар келтиришган. Қишлоқдаги яна бир манзил Чақмоқтепа ёдгорлиги бўлиб, у Ҳарқонат ул-Улвиё ариғининг ўнг қирғоғи лабида жойлашган. Унинг шимол томони тоққа уланиб кетган. Аҳоли ариқ пастидан ерлар ўзлаштирган, тоғда молларини боқишган. Кўп вақтлар қишлоқда бригада бошлиғи бўлиб ишлаган Толиб Қуроловнинг эслашича, болалигида улар Чақмоқтепа устига чиқиб ўйнаганлар. Бу ердаги катта-катта хом ғиштларни ковлаб олиб, уйчалар қуришган. Ғиштлар худди янгидек, ҳеч бир жойи лат емасдан турган. Сопол синиқлари, чақмоқтош бўлаклари учраган. Булардан хулоса қилиш мумкинки, ёдгорлик паҳса ва хом ғиштлардан тикланган. Ёдгорликнинг таг қисмида ғор бўлган. Ғор ёдгорликнинг икки қаватдан иборат бўлганлигини билдиради. У биринчи қават эшигининг ўрни ҳисобланган. Айни пайтда бу кўрғон харобаси иккига бўлиниб, ўртасидан “Ўнг соҳил” канали ўтказилган. яқини даги қабристон Қорахон ота номи билан аталади. Асл исми маълум бўлмаган Қорахон ота этноними ҳақида этнограф Б. Кармишевнинг маълумотларига қараганда, Қорахон деган топоним Зарафшон водийсида учрайди. Унга кўра қорахон хўжалар уруғи вакили ҳисобланиб, улар ўзларини Авлиёота номи билан машҳур бўлган Қорахон авлиёнинг авлодлари, деб ҳисоблайди. Бу авлиёнинг мозори Жамбул шаҳридадир. Шунинг учун ҳам бу шаҳар 1936 йилгача Авлиёота, деб номланган. Демак, қишлоқда қорахон уруғи вакили диний раҳнамолик қилиб шу ерда вафот этган ва дафн қилингани учун қабристонга шундай ном берилган. Бу ердаги булоқ сувини маҳаллий аҳоли яра-чақа, томир оғриқларига даъво, деб билишади. Учтут қишлоғидаги қадимий манзилгоҳлардан бири Шаҳрибарбар ёдгорлиги ҳисобланади. Ёдгорлик Қоратоғ этакларида, Вовуш массивидан воҳага чиқиш ерида жойлашган. Шаҳрибарбар сўғд тилидан олинган бўлиб, уни таржима қилганда “Тоғ ёнбағридаги шаҳар” маъносини беради. Ҳақиқатда ҳам шаҳар ҳаробаси тоғ ёнбағрида. Шаҳарга Бухоро, Нурота, Хатирчи, Карманадан келадиган савдогарлар тўхтаб ўтгани боис бозор қизғин ишлаб турган. Ўлкашунос Б. Шалатонин Шаҳрибарбарни Канпирак деворининг асосий истехкомлари ҳисобига қўшади. Ҳозирги пайтда бу шаҳар харобаси жойини бутунлай қабристон эгаллаган. Шаҳрибарбар ва Чақмоқтепа оралиғида Қирқозон булоғи бор. Унинг суви баҳор пайтлари жуда ҳам кўпаяди. Учтут қишлоғига ҳам турли даврларда туркий забон

қабилла ва уруғлар кўчиб келиб жойлашганлар. Қишлоқда Олчин уруғи кўпчиликини ташкил этган. Шу боис қишлоқни илгарилари Олчин, деб ҳам аташган. Олчин этнонимининг маъноси, “катта халқ, кўп кишилар уюшмаси, кўп миқдордаги қабилла” демакдир. Олчинлар мустақил этник гуруҳлигини йўқотиб, қарлуқларга қўшилиб кетган. Қарлуқлар эса бу водийга милондинг бошларида келганлар. Шунингдек, Учтут қишлоғида Баҳрин, Қанғли, Кераййит, Минг, Қирқ сингари уруғ-қабилалари вакиллари истиқомат қилишган. Аҳоли қишлоқни обод қилиш, экинлар турини кўпайтириш учун чакалакзорлардан ерлар ўзлаштирганлар. Ҳарқон ариғидан бош олган 8 километрлик Олчин ариғи, шунингдек, Шўрариқ, Юсуф ариқларнинг сувлари ҳисобига ғўза, буғдой, тарик, кунжут, оқ жўхори, маккажўхори ва полиз экинларини парвариш қилганлар. Кейинчалик, Кавоби, Салим Султон, “Ёш куч” каби кичик қишлоқлар ҳам пайдо бўлган. Кармана вилоятидаги ўз масжидига эга бўлган қишлоқлар қаторида Олчин, Учтут қишлоқлари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Учтут қишлоғи Кармана вилоятида ҳавосининг мусоффолиги, турли-туман ов қилинадиган қуш ва паррандаларнинг кўплиги, табиатининг бетакрорлиги учун ажралиб тургани боис юрт ҳукмдорлари ўзлари учун дам олиш масканларини барпо этишган. Хусусан, Амир Абдулаҳадхон қишлоқда дам оладиган чорбоғ бунёд этган. XX аср бошларида амирнинг Сармишсой ва Учтутдаги дала-ҳовлилари янгиланган, моҳир усталар кучи билан бинонинг ички ва ташқи безаклари қайта таъмирланган. Амир Абдулаҳадхон ва унинг яқинлари Зарафшон дарёси тўқайзорларидан шоғол, тулки, қирғовул, беданаларни ов қилишган. Манғит амирлари ичида Абдулаҳадхон туфайли Кармананинг Зарафшон дарёси соҳилидаги ерлар чангакзорлардан тозаланиб, ҳовлилар, боғлар учун ажратилган ва Қалқонота, Учтут, Ижанд каби жойларда экинзорлар кўпайган¹⁵⁶. Учтутдаги иккинчи чорбоғ Амир Олимхон томонидан 1910–1917 йилларда Бухородаги Ситораи Моҳи Хоса боғ саройига ўхшаш қилиб қурдирилган. Ҳар икки чорбоғни барпо этишда машҳур уста Ширин Муродов ҳам қатнашган. Биноларга яхлит фаранг ойналари ўрнатилган. Ойналар ўлчами тахминан 7x15 метр келган. Ҳовлиларда хилма-хил паррандалар, хусусан, товуслар бўлган. Қишлоққа Амир ташриф буюрганида аҳоли ҳукмдорни хурсандчилик билан кутиб пешвоз чиқишгани, амирнинг одамлар устидан кумуш тангалар сочгани, ҳукмдорнинг сахийлиги ҳақидаги ҳикоялар халқ орасида ҳозир ҳам сақланиб қолган. Амир боғлари 1930 йилдан кейин ота-онасиз ва қаровсиз қолган болалар уйига айлантирилди. 1970 йилга келиб амир боғлари, саройлари бузилди, нарсалар талон-торож қилинди. Мустақиллик учтутликлар қадриятини қайтариб берди. Қишлоқ номи яна 1992 йилдан Учтут, деб аталди. Бу ерда фаолият юритаётган “Учтут нафис санъат” лицейи (айни пайтда ихтисослаштирилган) истиқлолнинг биринчи меваси бўлди.

УЧТУТ – Ўзбекистон тоғ-кончилик саноатига асос солинган манзил Қадим Сўғдиёна минтақасида жойлашган ҳозирги Навбаҳор тумани ҳудуди бой тарихи билан алоҳида ажралиб туради. Бу ҳудуд Марказий Осиёда палеолит даврининг ўрта ва сўнгги босқичи (милондан аввалги 100–40–12 минг йилликлар) даврлари ибтидоий одамлар ҳаётида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан биргаликда маданий соҳадаги ўзгаришлар юз бериши натижасида инсоният цивилизациясининг муҳим бир ўчоқларидан бирига айланди. Бундай тамаддун ўчоқлари қулай табиий-географик шароити ва меҳнат қуроллари ишлаб чиқариш учун хомашё ресурслари сероб бўлган

минтақаларда анъанавий ўзлаштирувчи хўжалик шароитида ҳам техникавий кашфиётлар қилганлар. Ана шундай кашфиётлардан бири Қоратоғ тоғининг жанубий ёнбағирларида Учтут қишлоғида амалга оширилган. Бу ерда 1958 йил Х. Муҳамедов, 1959 йил А. Окладников, 1958–66 йилларда М. Қосимов, Т. Мирсаатовлар раҳбарлигида қазилма ишлари олиб борилади. А. Муҳаммаджоновнинг таъкидлашича, бу қадимий ҳудудда аҳоли ўрта тош даври (Мусте – милоддан аввалги 100–40 минг йилликлар) босқичидан бошлаб яшаб келган. Бунга далил тариқасида Учтут манзилгоҳида топиб текширилган ўрта тош даври чақмоқтош синдириб олинган хомашё кони-сангбур, тош қуроллар ясаш устахонаси ва ибтидоий одамлар макони ҳамда янги тош (неолит) даври (милоддан аввалги 6–4 минг йилликлар)да чақмоқтош бўлаклари қовлаб олинган энг қадимги макон “Учтут шахтаси”нинг ўрни ва лаҳмларини келтириш мумкин⁶⁸. Юқорида келтириб ўтганимиздек, техник кашфиётни, тоғ саноатининг сирасорларини биринчи бўлиб, 1958 йилда археолог М. Қосимов археологик изланишлар ўтказиб, Ижанд ва Учтут қишлоқлари яқинида чақмоқтош устахонаси ва чақмоқтош хомашёси “конларини” кашф этди. М. Қосимов ўрта ва сўнгги палеолитнинг босқичига доир чақмоқтош парақалари ва учқунлари топиб тадқиқот ишларини бошлаб берди. Учтут устахонаси узоқ даврлар давомида нафақат ўрта ва сўнгги палеолит, балки неолит даврида ҳам қуролсоз усталарнинг бирламчи қурол ясаш макони сифатида мавжуд бўлган. М. Қосимов Т. Мирсаатов билан биргаликда тадқиқот ишларини давом эттириб, 1958–1966 йилларда 13 та шахтани очадилар. Коннинг умумий майдони 8000 м² бўлиб, шундан 1000 м² қазиб ўрганилган ва 32 та чақмоқтош кони очилган. Учтут чақмоқтош конлари учи торайиб борувчи ўра шаклида (эни 95–110 см дан 4–5,5 метргача, чуқурлиги 5–5,5 метр гача) бўлган. Тоғ жинслари қатлами бошлангач, 1–2 метр қолганда конлар 3–4 метргача кенгайиб борган⁶⁹. Учтут чақмоқтош конларининг тупроқ қатламидан сақланиб қолган қурол излари шахталар қандай қуроллар ёрдамида қазилганлигини аниқлаш имконини беради. Ушбу манзилгоҳ нафақат водий тарихи, балки мамлакатнинг кўҳна тарихи нақадар қадимийлигини исботлаб турувчи тамаддун ўчоғи сифатида намоён бўлиб тургани

* * * Қадим Сўғдиёна минтақасида жойлашган ҳозирги Навбахор тумани ҳудуди палеолит даврининг ўрта ва сўнгги даврлариданоқ инсоният цивилизациясининг муҳим ўчоқларига айланган.

**** Территория современного Навбахорского района, расположенного на месте древней Согдианы, со времен среднего и позднего палеолита была важным центром человеческой цивилизации.*

**** The territory of modern Navbakhor district, located in the region of ancient Sogdiana, has been an important center of human civilization since the Middle and Late Paleolithic.*

учун 1967 йилдан бошлаб шахта қазилма ишлари янги усул билан олиб борилди. Шунинг таъкидлаш жоизки, қадимги қуролсоз усталар чақмоқтошга ишлов бериш техникасини мукамаллаштириш йўлида мақсадли изланишлар ва экспериментал тажрибалар натижаси ўлароқ чақмоқтош устахоналарини ўрганишда катта ютуқларга эришган, яъни иссиқда қайнаб ётган чақмоқтош дан кўра нам торган чақмоқтошдан қурол ясаш анча осон кечишини кашф қилганлар. Бу кашфиёт профессор А. Семёнов ва унинг шогирдлари Г. Коропкова, Т. Мирсаатовлар томонидан чақмоқтош дан қурол ясашда бир неча бор экспериментал тажрибалар ўтказилиб, ибтидоий қуролсозлар кашфиёти

синаб кўрилган. Экспремент натижаларига кўра, ҳақиқатда қуёш ҳароратида чакнаб ётган тошдан кўра ўзига нам тортган чакмоқтошдан истаган шаклда қурол ясаш осон кечган ва хомашёни тежаш мумкин бўлган. Т. Мирсаатов ўтказилган экспериментал тажрибаларга асосланиб, Учтут ва Ижанд ёдгорликлар комплекси чакмоқтош хомашёсини топиш услубига асосланиб, уч хил объектларга бўлиб ўрганади⁷⁰. Бундан қадимги учтутликлар конларнинг иккитаси хомашёни қазиб олиш билан боғлиқ ишлар, учинчисида эса меҳнат қуролларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган устахона ишлаб тургани маълум бўлди. Тадқиқот натижаларига кўра, улар тош хомашёсини қазиш усули қуролларининг типлари ва хронологик даврий саналари билан бир-бирларидан фарқ қилади: Биринчи объект ер юзасида сочилиб ётган чакмоқтош бўлакларидан меҳнат қуроллари ясаш устахонаси бўлиб, унинг тахминий майдони 320 кв м, тош устахонаси майдонидан 3 мингдан ортиқ чакмоқтош парчалари ичидан 79 та меҳнат қуроллари ажратиб олинган. Иккинчи объект – хом ашёни очиқ жойда археологик қазишмалар ўтқазиш йўли билан олиш устахонаси бўлиб, унинг тахминий майдони 3200 кв м. Иккинчи объектдан 5400 дан ортиқ тош предметлари топилиб, улар орасида 403 та меҳнат қуроллари ва 17 та нуклеуслар борлиги аниқланган. Учинчи объект – неолит шахталари бўлиб, унинг тахминий майдони 4480 кв м. Бу объектда 38 та неолит (милoddан аввалги 6–4 минг йилликлар) шахталари ўрганилиб, уларни қазиш вақтида топилган 103 минг 400 га яқин чакмоқтош предметлари орасида 2279 та тош қуроллари ва 240 та ҳайвон шохларидан ясалган қуроллар борлиги аниқланган. Бу уч хил объектлардан топилган меҳнат қуролларининг шакли, характери, ишланиш техникасига кўра, улар тош даврининг тўрт хронологик босқичларига (ўрта палеолит, сўнгги палеолит, мезолит ва неолит) тегишли эканлиги аниқланган. Қадимги аجدодлар меҳнат қуроллари ясашда дастлаб Қоратоғнинг юқори қисмидаги чакмоқтош қатламидан турли табиий сабаблар таъсирида уқаланиб тушган ва ер юзасида сочилиб ётган чакмоқтош парчаларидан фойдаланган бўлсалар, хомашё олишнинг иккинчи босқичида, энди хомашёни ер юзасидан териб олмайдилар, балки юзаси очиқда, асоси эса тош қоя бағрида ётган чакмоқтошни тош болғалар ёрдамида кўчириб оладилар. Чунки нам тортган тошдан қурол ясаш анча енгил кечади. Хомашё олишликнинг учинчи босқичида аждодлар шахта йўли билан бир неча метр қалинликдаги соз тупроқ остида ётган чакмоқтош хомашёси қазишмалар ўтқазиш йўли Учтут тош устахоналарида иш жараёни билан уни турли жинслардан кўчириб оладилар. Бу қадимий манзилгоҳда аждодларимиз кончилик ишлари учун мах сус мосламаларни табиатнинг ўзидан олишган. Яъни, ер қазиш ишларини тош болғалар, ҳайвон шохлари, дўлана ёғочидан ишланган қуроллар ёрдамида бажаришганини тадқиқот ишлари олиб борилган қазишма майдонларидан топилган ёғоч ва шох “кирка”ларининг қолдиқлари исботлаб турибди. Тупроқ қатлами остида ётган чакмоқтош хомашёсини қазиб олиш вақтида юқори палеолит ва мезолит даврларига тегишли қуроллари топилиб, улар орасида 100 дан ортиқ ер қазувчи, тош кўчирувчи тош “кирка”лар ва бошқа меҳнат қуроллари бўлган. Уларнинг юқори палеолит даврига тегишли неоген қатламининг қуйи горизонтларидан топилса, мезолит даврига тегишлилари юқори горизонтлардан топилган. Учтут шахталари асосан, неолит даврига тегишли бўлиб, уларнинг 100 дан ортиқ излари Учтут қиш лоғи яқинида Вовуш қоялари остида ҳосил бўлган неоген қатлами майдонида бизгача

сақланиб қолган. Ташқи кўринишда шахта излари юзаси чўккан овал ва айлана шаклидаги чуқурчаларни эслатади. 1967 йилдан бошлаб шахта қазишда қўлланилган янги методга кўра, траншеялар (кенглиги 1 м) бир шахта доирасида эмас, балки бир қатламдаги бир неча шахталарни қамраб олинади, траншея эса бир йўлаги палеоген қатламигача қазиб борилмайди. Чуқурча сатҳидан дастлаб 40 см гача қазилиб, траншея деворлари узунасига ойнадек тозаланади. Агар траншея кесмасида шахта излари учратилса, унинг чегаралари тозаланиб ана шу чегара доирасидан кенг роқ майдонда қазиш ишлари давом эттирилади. Траншея линиясида бошқа шахта излари кўринмаса, траншея яна 50 см чуқурлаштирилиб, янги шахта изларини қидириш давом эттирилади. 1967 йилда қазилган 10 шахта икки галереяли бўлиб, унинг деворларида шохдан ясалган қурол излари яхши сақланганлиги аниқланган. Шундай қурол изларига 15 тадан ортиқ шахта деворларида дуч келишган. 1972 йилда Учтут шахталарининг сони ва планиграфияси (жойлашиш тартиби)ни ўрганиш мақсадида шимолдан жанубга қаратиб 80 метрлик қилиб қазилади. Умуман ёдгорлик майдонининг ҳар бир 30 кв м га 1 та шахта тўғри келади. Шахталар 5,5–6 м қалинликдаги неоген қатламини кесиб, устки қисми тупроқ жинс қопламаси босган сифатли чақмоқтош қатламига етиб боради. Бу қатлам палеоген ётқизиқларида жойлашган бўлиб, нам тортган бу хом ашёдан меҳнат ва жанговар қуроллар яшаш энгил кечган⁷². 1968–1974 йиллар давомида 35 та шахта ўрганилди. Улар ҳажми билан бир-бирларидан фарқ қилган. Шахталар конструкциясига кўра, уч гуруҳга (қудуқсимон, бир камерали ва пиллапояли кўп камерали) бўлинади. Биринчи ва иккинчи гуруҳ, пиллапоялар кўпчиликни ташкил қилади. Ашёлар орасида тоғ саноатида ишлатиладиган оригинал меҳнат қуроллари топилган. Нуклеус (11 та), 6 та чақмоқтошдан ясалган парақалардан ташқари 6 та йирик қайроқ-кирка, чақмоқтош-кирка, 5 та кичик қайроқ-кирка, 3 та кирка-молоток, 2 та кирка-накавални, 3 та отбойник топилган. Ҳозиргача Учтут чақмоқтош конларидан 35 хил тош ҳамда ҳайвон шохидан ясалган қуроллар топилди. Булар қадимги одамларнинг Учтут чақмоқтош конларидан узоқ муддат давомида хомашё манбаи сифатида фойдаланганини кўрсатади⁷³. Қизиқарли томони шундаки, аجدодларимиз ҳар томонлама шахта тубидаги кенг майдонда

(12 кв м) кўтирсимон қопламасидан деярли тозалаб, кўчириб олинган йирик тош парчалари кирка сифатида шахта қазишда фодаланилган. Бундан ташқари, шахта тубида яна иккита йирик корка қопламасидан тозаланган нуклеуслар топилган бўлиб, бу нуклеуслар қуроллар яшаш учун олиб кетилмай қолганини Т. Мирсаатов “Шахта тубидан олинган хомашёдан дарҳол қуроллар яшашда фойдаланиш керак бўлган, акс ҳолда, ташқарига чиқарилган хомашё узоқ вақт қуёш остида қолиб кетиши натижасида нами қочиб, ундан меҳнат қуроллари яшаш мураккаблашади”, – дея изоҳлайди. Бу масалада Зарафшон водийсининг тош ва бронза даврлари тарихини тадқиқ қилган Д. Джўрақулова масалани яна бир бир бошқа томонини кенгроқ тарихий таҳлил қилиб, шундай дейди: “Биз неолит даврида юз берган яна бир ижтимоий-иқтисодий туб ўзгаришларни англаб етган бўламиз, яъни тоғ саноатида ихтисослашган меҳнат тақсимотига дуч келамиз. Хомашё қазиб олиш профессионал касби-корига айланган кончилар ўз харидорларига сифатли маҳсулот етиштириш мақсадида маълум миқдор хомашё

**** Учтут шахталари асосан неолит даврига тегишли бўлиб, уларнинг 100 дан ортиқ излари Учтут қишлоғи яқинида Вовуш қоялари остида ҳосил бўлган неоген қатлами майдонида бизгача сақланиб қолган.*

**** Учтутские рудники относятся в основном к периоду неолита, и более 100 их следов сохранились до наших дней в районе неогеновых толщ, образованных под вовушскими породами близ села Учтут.*

**** The Uchtut mines belong mainly to the Neolithic period, and more than 100 traces of them have survived to this day in the area of the Neogene strata formed under the Vovush rocks near the village of Uchtut.*

захираларини сақлаган кўринади. Негадир 20-шахта майдонида очилган чақмоқтош желвакларни (кўтирсимон қоплама) 19-шахтага нисбатан кам ковлаб олинган. Киркалар ёрдамида кўчириб олинган чақмоқтош хомашёси чуқурчалари жуда оз. Яна бу ҳолатни қуйидагича изоҳлаш мумкин: шахта қазииш тубигача етказилган-у, аммо унинг майдонидан тош хомашёси олишга харидор талабидан келиб чиқиб, қаттиқ киришилмаган, натижада, қандайдир сабаб билан у захирада, хомашё харидорларини кутаётган шахта сифатида қолиб кетган. Шунинг учун бўлса керак, шахта ичидан тош хомашёсини кўчириб оладиган тош киркалар ҳам жуда оз топилган. Шахтадан топилган тош парчалари орасида нуклеуслар, ҳар хил катта ва кичик ҳажмдаги тош киркалар, молоток ва болғалар бир нусхадан топилган, холос. Нуклеуссимон тош хомашёси атиги учта топилган". Т. Мирсаатов эса бу ҳолатни чақмоқтош хомашёси олишликнинг қандайдир янги усули билан боғлашга уриниб, бу усулни шахтадан топилган тош киркалар ишчи қисмидаги изларга кўра (бошқа шахталарда ҳам бу ҳолат кузатилади) чақмоқтошни оҳақтош қатламидан лункалар қолдириб эмас, балки сидирғасига кўчириб олиш услуби қўлланилган, дея тавсифлайди. Шахталарнинг туби, камари ва туннеллардан топилган кўпдан-кўп ашёвий қолдиқларга қараганда, ер қаъридан чақмоқтош бўлақларини ковлаб, уларни тош болғалар билан синдириб олишда неолит даври кончилари қайроқ тош лардан ясалган турли хил кўпол тош қуроллардан кенг фойдаланганлар. Бу даврда ҳар бир шахта қудуғини ковлаш учун қанча вақт сарфлаганини аниқлаш мақсадида махсус археологик экспериментал тажрибалар ўтказилди. Кон ишлари учун тош, ёғоч ва шохлардан ясалган махсус чўкич, чўт ва ўйғичлар воситаси билан ўралар қазилиб, тубидан чақмоқтош бўлақлари ковлаб олинди. Тажрибалар шуни кўрсатганки, тош чўкичлар билан чуқурлиги 170 см, диаметри 90 см ли ўра 18 соатда, шох чўкичлар билан чуқурлиги 230 см, диаметри 120 см ли чоҳ 8 соатда, ёғоч ўйғичлар билан эса чуқурлиги 235 см, диаметри 120 см ли қудуқ 7 соатда ковлаб очилди. Ўтказилган тажриба кўрсаткичларидан маълум бўлишича, шахталар ковлашда тош қуролларга нисбатан шох ёки ёғочдан ясалган ўйғичлар кўл келар экан. Вақт тежалиб, ишнинг унуми ҳам бирмунча юқори бўлган⁷⁴. Шундай қилиб, Зарафшон водийсининг Учтут ва Ижанд қишлоқлари яқинида олиб борилган археологик қазиишма ишлари давомида янги соҳа-тоғ саноати билан боғлиқ хомашё ишлаб чиқариш объектлари очилди. Улар Вовуш тоғининг палеоген қолдиқлари устида қадимги тош (палеолит) даврида ташкил топиб, мезолит даврида давом этган тош устахоналари ва неолит даврининг шахталари бўлиб, бу объектлар Учтут шахталари номи билан фан оламига кирди. Учтут шахталарини ўрганиш "неолит инқилоби" билан боғлиқ инсоният тарихида, унинг кундалик ҳаётида илк бор таркиб

топган кашфиётлардан бири бўлиб, айнан шу даврдан бошлаб аجدодларимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида туб ўзгаришлар содир бўла бошлади. Учтут шахталарини ўрганиш жараёнида аجدодлар ҳаётида юз берган биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотининг илк куртаклари неолит давридан бошлаб ниш ура бошлайди. Учтут қадимий шахталари мажмуининг топилиши ва тадқиқ этилиши олимларимизга ўлкамизнинг, хусусан, Навоий вилояти Навбаҳор туманининг аввал маълум бўлмаган қадимги тарихи ҳақидаги маълумотларни аниқлашга имкон беради⁷⁵. Учтут шахталари меҳнат қуролларининг комплексида Калтаминор маданиятининг илк босқичи қуролларига ўхшаш тош парақалар учратилади. Улар айнан Жойтун маданияти материаллари билан ўхшашликка эга. Шунинг учун Учтут шахта материаллари илк Калтаминор (Хоразм) ва Жойтун (Туркменистон) маданиятининг сўнгги босқичи материаллари билан тенг эканлигини ҳисобга олиб, унинг йил санасини мил. аввалги V минг йиллик деб белгилаш мумкин. Одамлар кон яқинида чақмоқтош лардан қуроллар ясаб, Учтут шахталарида ибтидоий устахоналарни вужудга келтиришиб, мамлакатимиз тарихида ёрқин из қолдиришди.

Адабиётлар:

1. <https://wordlyknowledge.uz/index.php/iqro/article/download/76/86>

INNOVATIVE
ACADEMY